

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари МДҲ саммити доирасида учрашдилар



Озбекистон Республикаси Президентининг
МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Марказий Осиёда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар олий даражада эришилган, энг аввало, товар айирбошлишни кўпайтириш, саноат, энергетика, транспорт, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги соҳаларида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги келишувларни рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, минтақавий тузилмалар, шу жумладан ШҲТ ва МДҲ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Манба